
TEXNIK TADQIQOTLAR JURNALI
ЖУРНАЛ ТЕХНИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ
JOURNAL OF TECHNICAL SCIENCE

**ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МУЎАНДИСЛИГИ / ПРОМЫШЛЕННАЯ ИНЖЕНЕРИЯ /
MANUFACTURING ENGINEERING**

Расулова Мастура Кабиловна,
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, доцент
Арипжанова Махфуза Акмаловна,
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, ассистент

**ТАБИЙ МЎЙНАДАН АЁЛЛАР УСТКИ КИЙИМИНИ ЛОЙИҲАЛАШ
МАСАЛАЛАРИ**



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-1-4>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада бадий безак элементларини куллаб табиий мўйнадан аёллар устки кийимини лойиҳалашмаксалида аёллар кийимининг 500 дан ортик моделларининг ретроспектив тахлили утказилди. Хамда табиий мўйна, жумладан қорақўл хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда устки кийимларни бадий безаш усулларини қўллаб кийим лойиҳалашда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги 200 нафар 35 ёшдан 45 ёшгача булган аёллар уртасида утказилган анкета суровномаси бўйича тадқиқот натижалари келтирилди. Унга кура кийим услуби, силуэти, ва бичими бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Калит сўзлар: табиий мўйна, қорақўл, ретроспектив тахлил, анкета суровномаси, бадий безаш, аппликация, услуб, силуэт, бичим, лойиҳалаш, маркетинг тадқиқоти.

Расулова Мастура Кабиловна,
Ташкентский институт текстильной и легкой промышленности, доцент
Арипжанова Махфуза Акмаловна,
Ташкентский институт текстильной и легкой промышленности, ассистент

**К ВОПРОСУ ПРОЕКТИРОВАНИЯ ЖЕНСКОЙ ВЕРХНЕЙ ОДЕЖДЫ ИЗ
НАТУРАЛЬНОГО МЕХА**

АННОТАЦИЯ

В этой статье был проведен ретроспективный анализ более 500 моделей женских костюмов с целью проектировать женской верхней одежды из натурального меха с использованием элементы художественного украшения. А также проведены результаты опроса, проведенного среди 200 женщин в возрасте от 35 до 45 лет в Ташкенте и Ташкентской области, который предназначен для поддержки проектирования методов художественного оформления верхней одежды с учетом характеристик натурального меха, в том числе каракуля. По результатам были разработаны рекомендации по стилю, силуэту и форме одежды

Ключевые слова: естественный мех, каракуль, ретроспективный анализ, анкетирование, художественное оформление, аппликация, стиль, силуэт, покрой, проектирование, маркетинговые исследования.

Rasulova Mastura Kabilovna,
Tashkent institute of textile and light industry, dotsent
Aripjanova Mahfuza Akmalovna,
Tashkent institute of textile and light industry, assistant

QUESTIONS OF DESIGNING WOMEN'S OUTERWEAR FROM NATURAL FUR ANNOTATION

In this article, retrospective analysis of more than 500 models of women's costume was conducted in order to design women's outerwears from natural fur by using art ornament elements. And there have been presented the results of research that organized according to the questionnaires among 200 women aged 35 to 45 years in Tashkent city and Tashkent region in order to project outer clothes by using methods of art decorations and taking into account the characteristics of astrakhan and natural fur. According to this, advices about style, silhouette and cut of clothes have been developed.

Key words: natural fur, astrakhan, retrospective analysis, questionnaire, art decoration, motif, style, silhouette, cut, projection, marketing research.

For citation: Rasulova Mastura Kabilovna, Aripjanova Mahfuza Akmalovna. Questions of designing women's outerwear from natural fur. International Journal of Technical Sciences. 2019, vol. 1, issue 4, pp. 20-25

Кирриш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги 2841-сонли "Чорвачиликда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги [2] ҳамда 2018 йил 5 майдаги "Чармпойабзал ва мўйначилик соҳаларини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини оширишни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари" тўғрисидаги 3693-сонли қарорларида Республикамизда қорақўлчилик тармоғини ривожлантириш, жаҳон бозоридида қорақўлчилик маҳсулотларига бўлган талаб ва таклифни ўрганиш, қорақўл юнги ва терисини қайта ишлаш, тармоққа хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш ва ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этишга қўмаклашиш, талаби юқори бўлган сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш, ички бозорни маҳаллий ишлаб чиқарилган импорт ўрнини босувчи ва рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдириш учун шарт-шароитлар яратиш; мўйна, қорақўл маҳсулотлари ҳамда жундан ишланган буюмлар сегментларида ички ва ташқи бозорларнинг маркетинг тадқиқотларини тизимли равишда олиб бориш, тармоқларнинг экспорт салоҳиятини кенгайтиришни қўллаб-қувватлаш, моделлаштириш ва брендлаш бўйича энг янги инновацион ишланмалардан фойдаланган ҳолда хом ашёни қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришнинг замонавий услубларини кенг жорий этиш каби масалалар вазифа қилиб белгиланган [3].

Мавзуга оид адабиётлар тахлили. Ўзбекистонда қорақўл териси табиий терилардан ўзининг майинлиги, иссиқлик тутиш хусусияти юқорилиги ва ҳар бир қорақўл терисидидаги нақшлари бетақорорлиги билан ажралиб туради. Белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида ҳамда бугунги кунда чиройли, сифатли мўйнадан тикилган маҳсулотларга талаб ошиб бораётганлигини инobatга олиб қорақўл терисидан устки кийим, бош кийим, турли хил аксессуарлар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёнига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аёллар кийимларини тайёрлашда бир хил бурамдорликдаги, бир хил нақшли, бир хил рангдаги қорақўл териси танлаб олинади [3]. Олд бўлак,

орт бўлак, энг ва ёқага энг сифатли, нақшлари чиройли бўлган терилар ишлатилади. Бундан кўриниб турибдики, қоракўлдан кийимларни лойиҳалашда чиқинди микдорининг фоизи катта чиқади. Қоракўл териси жуда ноёб бўлганлиги туфайли Ўзбекистонда миллий қоракўл терисидан фойдаланиб аёллар устки кийимини тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқиш долзарб масала ҳисобланади. Шунини инобатга олиб, асосий жойлашмалардан қолган чиқиндилардан фойдаланиб қоракўл терисиданбадий безашасосида аёллар кийимини ишлаб чиқиш вазифаси белгиланди.

Таҳлиллар шунини кўрсатадики, йиллар давомида бадий безаш асосида тайёрланган аёллар кийимига бўлган талаб ортиб бормоқда. Кийимни лойиҳалашда бадий безак элементларини урганиш учун аёллар кийимининг ретроспектив таҳлили ўрганилди. Бунда назарий материаллар: тарихий китоблар, мода журналлари, публикациялар, мақолалар ва визуал материаллар: кинофильмлар, суратлар, бадий ишлар ўрганилди. Шу билан бирга таҳлил 1950-2017 йилларга тааллуқли саноат соҳасига тегишли каталоглар, музей ва архив материаллари, шунингдек, адабий манбалар асосида мода оламининг энг йирик мода агентликлари ва модельерларининг 500 дан ортиқ моделлари ўрганиб чиқилди [1].

Адабиётлар таҳлили шунини кўрсатадики, устки кийимни бадий безашда кўп учрайдиган элемент бу табиий мўйна ҳисобланиб, 1950 йиллар даврида пальтода 25 %, костюм ва плашда 6 % ни ташкил этади. 1960 йилга келиб пальтода 30 % га ўсиш кузатилди, 1970 йилларда пальтода безак элементларини қўллаш 1950 йилга нисбатан 2 баробарга кўпайди, яъни 50 % ни ташкил этди, 1980 йилга келиб безак элементларидан фойдаланиш суръати пальтода 2 баробарга камайди. 1980 йилдан 2017 йилга қадар устки кийим моделларида бадий безак элементларидан фойдаланиш ўсиб борган, бунда пальтода 50 %, костюм ва плашда 40 % ни ташкил этади.

Илмий-тадқиқот ишида 1950-2017 йиллардаги аёллар пальтосининг силуэти, бичими, бадий безашдаги ўзгариш ва янгиликлар таҳлил қилинди. Тадқиқот натижалари шунини кўрсатадики, 1950 йилларда аёллар пальтосида безак элементи сифатида тахтамалар ва белбоғдан фойдаланилган бўлса, 1960 йилга келиб рельеф чокларда мағизлар қўлланилган, 1970 йилларда эса кийим ёқасида ва этак қисмларида кенг бўлмаган табиий ва сунъий мўйна деталлари безак сифатида иштирок этган, 1980 йилларга келиб бу безак элементлари бутун ёқани ташкил этди ва энг манжетларида қўлланилди. 1990 йилларда аёллар пальтоларида безак элементларидан фойдаланиш бир оз ихчамлаштирилди, 1990-2000 йилларда пальто силуэтида энг бичимига ўзгариш киритилди, реглан энгли кийимлар урф бўлиб, кенг ёқа ва ўлчами катта тугмалардан фойдаланилди, ёқа четини қўшимча газлама билан мағизлаш урф бўлди, икки бортли тақилма ва кенг бичимдаги пальтолارга талаб ортди. 2010-2014 йилларга келиб ним ёпишган силуэтли пальтоларда рельеф чоки, витечка, кокетка ва безак газламали чўнтак деталларидан фойдаланилган бўлиб, пальто узунлиги ҳам ўзгаради. 2017 йилга келиб яна ёқалар мўйна, замш ва чарм газламалари билан безатилди, пальто тизза юқорисидан тиззадан пастда узунлигига қайтди. Таҳлиллар шунини кўрсатадики, асосан бадий безак элементларини куллаб тайёрланган кийимлар юқори сегмент гуруҳидаги истеъмолчилар томонидан фойдаланилган.

Олиб борилган тадқиқот натижасидан шундай хулоса қилиш мумкинки, бадий безаш усулларидан фойдаланиб аёллар кийимини лойихалаш ўзининг долзарблигини йўқотмаган.

Тадқиқот методологияси. Қорақўл Ўзбекистоннинг табиий маҳсулоти эканлигини ҳисобга олиб, ундан нақш элементларини яратиш ва бадий безаш усулидан фойдаланиб аёллар пальтосини лойихалаш мақсадида респондентлар (педагоглар, банк ходимлари, тиббиёт ходимлари ва уй бекалари) ўртасида бадий безаш асосидаги кийимга бўлган талаб ўрганилди. Бунинг учун Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги 200 нафар 35 ёшдан 45 ёшгача бўлган аёллар ўртасида анкета сўровномаси ўтказилди. Унга кура кийим услуби, силуэти, бичими, мато ранги, тақилма кўриниши, фурнитура, бадий безаш тури буйича саволлар тузилди. Тадқиқот натижалари 1-жадвалда ва 1-3 расмларда диаграмма кўринишида келтирилди.


1 -жадвал

Сўровнома таҳлили


Бадий безаш асосидаги аёллар пальтосига бўлган талаб,%									
Услуб				силуэт					
Спорт услуби	Романтик	Классик	Фольклор	Тўғри бичими	Ярим ёпишган	Ёпишган	трапециясимон		
1	2	3	4	1	2	3	4		
10	20	60	10	20	50	20	10		
Бадий безаш асосидаги аёллар пальтосига бўлган талаб,%									
Буюм узунлиги				Детал бичими			Детал тури		
Тиззадан юқори	тизагача	Тиззадан пастда	микс	Вертикал	горизантал	Ассиметрик	Олд, орт ва ён	Олд, орт ва кокетка	Олд, орт ва этак
1	2	3	4	1	2	3	1	2	3
15	20	40	25	70	20	10	70	20	10
Бадий безаш асосидаги аёллар пальтосига бўлган талаб,%									
Енг бичими			Ёқа конструкцияси			Тақилма кўриниши			
Ўтказма	Реглан	Яхлиг	Кайгарма ёқа	Тик ёқа	Шал ёқа	Марказий	аралаш	тақилмасиз	
1	2	3	1	2	3	1	2	3	
60	30	10	30	30	40	60	35	5	
Бадий безаш асосидаги аёллар пальтосига бўлган талаб,%									
Чўнтак конструкцияси			Фурнитура			Мато ранги			
Қоплама	Қирқма	чок давомида	Тутма	Мольният сма	Кнопка	Тўқ ранг	Оч ранг	Ёркин ранг	
1	2	3	1	2	3	1	2	3	
50	30	20	80	10	10	60	20	20	

Бадий безаш тури						Бадий безашни қўллаш соҳаси		
кашга	апплик ация	инкрустация	гравировка	Қўшимча безак элементлари	Безаксиз	Олд бўлак	Орт бўлак	ёқа
						25	20	30
1	2	3	4	5	6	1	2	3
20	40	10				енг	капюшон	белбоғ
			10	10	10	1	2	3
						10	10	5


Тахлил ва натижалар. Сўровнома натижаси шуни кўрсатадики, 35 ёшдан 45 ёшгача бўлган аёлларнинг 70% и классик услуб йўналишидаги ва 50% и ярим ёпишган силуэтдаги устки кийимга талаби юқори. Буюм узунлигига бўлган талаб-тиззадан пастда-70% ни, ўтқазма енг бичими 60% ни ташкил этди. Бадий безаш турига кўра 40% аёллар аппликация усулида ишлов беришни маъқул кўрдилар. Бунда бадий безашни қўллаш соҳаси ҳам эътиборга олинди. Унга кўра 25% респондент олд бўлакда, 30% и эса ёқа қисмида қўллашни тавсия этди.



1-расм. Бадий безаш асосидаги аёллар пальтосига бўлган талаб (услуб, силуэт ва кийим узунлиги бўйича)



2-расм. Бадий безаш асосидаги аёллар пальтосига бўлган талаб (деталлар бичими ва деталлар тури бўйича)



3-расм. Бадий безаш асосидаги аёллар пальтосига бўлган талаб (енг бичими, ёқа ва чўнтак конструкцияси бўйича)

Хулоса ва тавсиялар. Аёллар устки кийимида нақш элементларини қўллаш ҳолати, бадий безаш усулларини қўллаб мўйнали устки кийим тайёрлаш технологияси таҳлили ҳамда бадий безаш асосидаги аёллар кийимига бўлган талабурганилиди қуйидаги хулосага келинди: табиий мўйнадан безак элементларини куллаб аёллар устки кийимини лойиҳалашмаксадида аёллар кийимининг 500 дан ортик моделларининг ретроспектив таҳлили ўтказилди ҳамда устки кийим моделларида бадий безак элементларидан фойдаланиш 25 % дан 50 % гача ўсиб борганлиги кузатилади. Ҳамда табиий мўйна, жумладан қорақўл хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда устки кийимларни бадий безаш усулларини қўллаб кийим лойиҳалашда унинг услуби, силуэти, ва бичими бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди. Бунда 35 ёшдан 45 ёшгача булган аёллар учун ёқаси табиий мўйна билан аппликация усулида ишлов берилган классик услубдаги ярим ёпишган силуётдаги пальто ишлаб чиқиш тавсия этилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. М.К.Расулова, Д.Т.Тургунова. Исследование художественной отделки в женской одежде. Т., ТИТЛП. РНПК. 2016 г. (M.K.Rasulova, D.T.Turgunova. The study of artistic decoration in women's clothing. T., TITLP. RNPК. 2016)
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги 2841-сонли "Чорвачиликда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори. (Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan of March 16, 2017 "On Additional Measures to Deepen Economic Reforms in Livestock Farming".)
3. 2018 йил 5 майдаги "Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини оширишни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари" тўғрисидаги 3693-сонли қарори. (Resolution of the Government of the Republic of Uzbekistan dated May 5, 2018 "On measures to further stimulate the development of leather and footwear and furs and increase the export potential".)
4. Wu, SX (Wu, Shellen X). A world trimmed with fur: wild trnings, pristine places and the natural fringes of aing rule. - AMERICAN HISTORICAL REVIEW. Том 122, выпуск 5. Стр 1590-1591. dec.2017